



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 244 (12.305)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Яқинда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтининг 27 нафар ўқитувчи ва талабаларидан иборат Ўзбекистон делегациясининг Германияга малака ошириш сафари уюштирилди.

Мазкур сафар чоғида юртимиз таълим соҳаси вакиллари Германиянинг Магдебург шаҳрида жойлашган олий ўқув юртли фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда ўзаро қўшма семинарларда иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистонлик ёш иқтисодчилар таширф давомида Магдебург-Стендал университетда ташкил этилган «Қиёсий иқтисодиёт» ҳамда «Ўзбекистон ва Германия: сармоя киритиш имкониятлари» мавзуларига бағишланган семинарларда иштирок этдилар. Шунингдек, улар Магдебург шаҳридаги Отто фон Герике номидаги университетда ҳам бўлишиб, Германия иқтисодиёти тизими ва уни бошқаришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўқув дастурларида ҳам қатнашдилар.

Мамлакатимиз делегациясининг ушбу сафари доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида юртимиз вакиллари ва Германия олий ўқув юртлининг масъул ходимлари иштирокида «Ўзбекистон ва Германия олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларнинг истиқболлари» мавзусига бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари мустақил Ўзбекистон тарихи ва маданияти, шунингдек, юртимизда илм-фан, таълим ва илмий тадқиқот соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар, ушбу йўналишларда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим мақсад ва вазифалар билан атрофлича танишдилар.

Давра суҳбатиди сўзга чиққан Магдебург-Стендал университети иқтисодиёт факультети декани профессор Ф.Р.Грабау жорий йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирокига алоҳида тўхталди. У Ўзбекистонда таълим соҳасига берилаётган эътибор таҳсинга сазовор эканлигини ҳамда мамлакатимиз ёшларининг бошқа ривожланган давлатлардаги тенгдошларига нисбатан илмга бўлган иштиёқи анча юқори эканини қайд этди.

Профессор Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Молия институти ва Магдебург университетлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратди. Шу ўринда профессор хар икки томондан ўзаро делегацияларнинг алмашуви йўлга қўйилгани ҳамда кўплаб қўшма семинар ва ўқув дастурлари ташкил этилаётганига урғу берди. Ф.Р.Грабау бундай ҳамкорликни янада ривожлантириш учун Германия томони мавжуд барча имкониятларни ишга солишга тайёр эканини маълум қилди.

Давра суҳбати давомида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир таклифларни атрофлича муҳокама қилдилар. Хусусан, Ўзбекистоннинг молия ва иқтисодиёт олий ўқув юртлида «иқтисодиёт», «иқтисодиётни бошқариш ва менежмент» йўналишлари бўйича тахсил олаётган талабалар учун Германия халқ хўжалигида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар билан биргаликда амалиётга йўналтирилган ўқув дастурларини ташкил этиш, ҳамкор олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун олти ойлик ва бир йиллик академик алмашувларни жорий этиш, икки давлат иқтисодий тизимини солиштириш ҳамда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қаратилган магистриклик ва докторлик илмий ишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мазкур йўналишда иш бошлаган тадқиқотчилар учун қисқа муддатли илмий алмашувларни йўлга қўйиш, уларни керакли илмий адабиёт ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш каби масалалар долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган суратлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

«Жаҳон» АА
Берлин

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЁШЛАР** ижод саройида «Тошкент қувончлари» IV Халқаро болалар расмлари биеналесеси яқунланди. Мазкур халқаро кўргазма

голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар, мусаввирлар, болалар иштирок этди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ


Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўриктанловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ЭНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Тадбир Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар мамлакатимизда миллий кадриятларимизни тиклаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадор-



Ўтабек Мирзоатов (ЎзА) оқшом

лигини ошириш тўғрисида»ги Қарори бу борада дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур қарор асосида Республика Маънавият тарғибот маркази, вилоятларда унинг минтақавий-худудий бўлимлари, шунингдек, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилиб, вилоят ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу соҳа вакиллари давлатимиз томонидан маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлод онгу шуурига синдириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган изчил ишларни олиб бормоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий кадриятларни асраб-авайлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт

ва турли хил зарарли таъсирларга қарши туриш, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш борасида қатор вазифалар белги-ланган.

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўриктанлови ушбу йўналишдаги илғор тажрибани оммалаштириш, ташаббускор, фидойи, изланувчан ходимларни рағбатлантириш, мамлакатимизда амалга ошири-лаётган маънавий тарғибот ишлари қўламини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган.

Танловнинг якуний босқичида вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимидан 11 нафар голиб аниқланди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни кенг ёритиб келаётган «Оила даврасида» газетаси махсус мукофотга сазовор бўлди.

Танлов голиб ва совриндорлари диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН IV МОДДАГА МУВОФИҚ 2012 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МИССИЯ ИШИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТ

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси 2012 йилнинг 28 ноябрь — 7 декабрь кунлари IV Модда бўйича маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлигининг ўринбосари Вероника Бакалу хоним раҳбарлик қилди. ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Даниэла Грессани хоним миссия ишининг дастлабки муҳокамаларида иштирок этди.

ХВЖ миссияси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари сўнги даврда иқтисодиётда рўй бераётган воқеалар ривожини муҳокама этиб, яқин ҳамда ўрта муддатдаги истиқболлар, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши секинлашишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳақида фикр алмашди.

Вероника Бакалу хоним миссия иши яқунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

«Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида мамлакатимиз олий ўқув юртли талабалари ўртасида ўтказилган «Камолот» стипендияси ва таълим грантлари танловлари голибларини

тақдирлаш маросими ўтказилди.

✓ **КЕЧА** И.Эргашев номли 4-сон шаҳар клиник шифохонасида одам савдосининг олдини олишга қаратилган «Нафс қурбонлари» мавзусида маънавий тадбир бўлиб ўтди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Пойтахтимизда экожурналистикани ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли «Чинор» экологик нашриёт компанияси, «Экомактаб» нодавлат ношрият ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда экожурналистикани ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари, бу борадаги халқаро тажриба, экология соҳасидаги миллий ва халқаро қонунчилик, экологик тарғибот юристининг таъсирчан услублари юзасидан фикр алмашилди.

• Самарқандда «Ватан тараққийоти» меннинг ҳиссам» шиори остидаги ёшлар фестивали яқунланди. Унда ўз истеъоди, билим ва интилишлари, ташаббускорлиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган ўқувчи ва талабалар, халқаро спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар, тадбиркорлик, хунармандчилик ҳамда фермерлик соҳаларида муваффақиятли фаолият олиб бораётган йигит-қизлар иштирок этди.

• Бухоро шаҳрида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида 32 оилага мўлжалланган кўп қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди. Улардан 14 тадаги тураржой сотиб олиш истигада тижорат банкларида жами 468 миллион сўм миқдорига имтиёзли ипотека кредитлари олган ёш оилалар кўчиб ўтди.

• Қарши шаҳрида «Ҳаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида кўкрак беши саратонини профилактика қилиш, аниқлаш ва даволаш масалаларига бағишланган ижтимоий акция ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойда тезюарар поездлар қатнови учун мўлжалланган дунёдаги энг узун темир йўл қуриб битказилди. Маълумотларга кўра, бу йўл Пекин ва Гуанчжоу шаҳарларини боғлаб туради. Темир йўл бўйлаб поездлар соатига 300 км. тезликда ҳаракатланади. Бу илгариги қатнов муддатини саккиз баробарга қисқартиради. Пекин ва Гуанчжоу янги поездида манзилга етиш нархи ҳозирча маълум қилинмаган. Хитой раҳбарлари 2020 йилга қадар яна узунлиги 16 минг километрлик темир йўл қуришни мўлжаллашмоқда.

• Малайзиянинг «AirAsia» авиакомпанияси келгусида умумий баҳоси 9,4 миллиард долларга тенг бўлган 100 донга янги самолёт сотиб олади. Уларнинг 36 таси «А320» русумда, 64 таси эса «А320neo» русумли авиалайнерлардир. Самолётларни сотиб олиш масаласида «Airbus» компаниясига буюртма берилган. «AirAsia» Осиёдаги 20 мамлакатга 70 та йўналиш бўйича ҳаво хизматини кўрсатади. Айтишларича, янги сотиб олинадиган самолётлар ёқилгини тежаш бўйича жуда катта аҳамиятга эга.

• Кучли қор ёғиши сабабли Руминия кўчаларида 300 нафарга яқин одамлар ўз автомобилларида қамалиб қолишди. Ҳозирги вақтда минтақадаги транспорт ҳаракатлари қийинлашган, кўплаб автомагистраллар ёпилган.

• Taksmobil компанияси 2013 йил ёз фаслида Германияга таксичилар учун лимитсиз, яъни қўшимча устамасиз тариф йўлга қўйишни режалаштирган. Франкфурт ва Оффенбах аҳолиси 48 еврога бир ой давомида ҳар қандай вақтда қачон хоҳласа ва қандай хоҳласа дарвозаси олдиндан истаган манзилигача ушбу таксидан фойдаланиши мумкин.



ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Жумладан, ушбу корхонада зарарланган тиббиёт асбоб-ускуналарининг автоклавлардаги стерилизациясининг сифатини назорат қилиш учун тест индикаторлари ва шундай асбоб-анжомларни автоклавларда стерилизациясининг сифатини оширишга ва тиббиёт ходимлари учун қулайлик яратишда ёрдам берувчи воситалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу бикслар ўрнини босувчи махсус замонавий қадоқларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда ёпиқ ҳолда тиббиёт асбоб-анжомлари бир йилгача ўз стериллигини сақлайди. Бу эса шошилини жарроҳликда жарроҳларга қулайлик яради ва беморларнинг ҳаётларини сақлаб қолишда ҳамда муолажаларнинг сифатини оширишда ёрдам беради.

«Ўзфарманоат» ДАК қошидаги «AGRO BIO KIMYO» масъулияти чекланган жамияти нафақат экспорт ўрнини босувчи тежамкор ва самарали дезинфекция воситалари ишлаб чиқариш, балки юртимиз тиббиёт ходимларининг ишларини энгиллаштириш ва аҳолининг соғлигини сақлаш йўлида ҳам самарали изланишларни амалга оширмоқда.

Назорат тест индикаторлари ва бикс ўрнини босувчи қадоқларнинг ўзбекистонда «AGRO BIO KIMYO» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилиши хорижий давлатлардан кириб келаётган ана шундай юқори нархли воситаларнинг кам олиниши ва валюта маблағларининг тежаллишига замин яради. Бу эса нафақат юртимизга молиявий мадад

бўлади, балки бугунги кунда жаҳонда тиббиёт соҳасида кенг қўлланилаётган бу воситаларнинг мамлакатимиз тиббиётининг юқалишига ва беморларга сифатли ва шошилини тиббиёт хизмат кўрсатишида муҳим омил вазифасини ўтайди.

Фаррух БАҲРОМОВ
Аъло Абдуллаев олган сурат

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Республика Марказий банки ҳамкорлигида «Оилавий тадбиркорликдан – мустақкам оилага» лойиҳасининг республика босқичи якунланди.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Унда тижорат банклари ва Савдо-саноат палатаси вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси М.Тешабоев ва бошқалар мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган

«Оилавий тадбиркорликдан – мустақкам оилага» ва «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳалари аёллар бизнесини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

2012 йилда ушбу лойиҳалар туман, вилоят ва республика босқичида амалга оширилди. Уларда ўз бизнесини очиб ёки ривожлантириш йўлида қарийб 30 минг хотин-қиз иштирок этди.

Вилоят босқичидаги танлов якунларида кўра, 230 нафардан ортиқ хотин-қиз жами 900 миллион сўмликдан зиёд кредит маблағларига эга бўлди. Натижада олти юздан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Улар орасидан 92 нафари эса тадбирнинг мамлакат босқичида иштирок этди.

Тадбирда голибларга тижорат банкларида имтиёзли сармоялар олиш имкониятини берувчи сертификатлар топширилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимиз ҳамда жамиятимиз тараққиёти йўлида жамоат ташкилотлари фаолияти принципларининг Конституциямизда мустақкамлаштириш аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ақс эттирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар тармоқларининг ривожланишига мустақкам замин яратди. Хусусан, юртимизда аҳолининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга йўналтирилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Айтиш керакки, ҳозирги кунда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишининг янги босқичи ва умуман ННТ тармоқлари фаолиятининг ижтимоий шериклик принциплари асосида олиб борилиши, улар ҳаракатининг истиқболдаги йўналишлари давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан илгари суртилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ўз ифодасини топган. Жумладан, мазкур Концепцияда «Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролин янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимишга қўйган максимизни рўёбга чиқаришда ҳеч муболағасиз ҳал қилувчи омил...» экани таъкидланган. Шу боис ҳам, айнан ННТ тармоқлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш бугунги куннинг долзарб ва муҳим масалаларидан биридир.

Куни кеча, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Тошкент шаҳар ва вилоят

бўлимлари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Нодавлат нотижорат ташкилотлар Форуми бўлиб ўтди.

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни кенг оммага тарғиб қилиш, «Ижтимоий шерикчилик», «Жамоатчилик назорати», «Экологик назорат», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими раҳбари Д.Аюпов. — Шу билан бир қаторда, тадбирда бугун куннинг энг долзарб масалаларидан бўлган ҳудудда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муаммоларни ечиш чоралари, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорлик механизминин янада такомиллаштириш каби қатор муҳим вазибалар ҳам кенг муҳокама қилинди.

Форум иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амалдаги

қонунчиликка кўра, ННТларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик давлат дастурларига ҳамда мутасадди давлат ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга ва экспертизадан ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Бугунги кунда ННТларнинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари ижросига фаол жалб этилиши ва уларнинг барча жараёнлардаги амалий ва самарали иштироки жамиятимиз ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раҳбари А.Каримов. — Албатта, ижтимоий шерикчилик соҳасининг истиқболдаги ривож ва фуқаролик институтларининг тақомили ННТлар фаолиятини янада жонлантиришни талаб этади ва биз бу борада олдимишга қўйган мақсад ва вазибаларни талаб даражасида тўлақонли бажаришга жиддий эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Шунингдек, тадбир давомида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ҳамкорликда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги ва «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларининг ҳам муҳокамаси бўлиб ўтди.

Анжуман доирасида ННТлар томонидан ташкил этилган кўргазма ва концерт дастури намойиш этилди.

Тадбир якуни бўйича ННТларнинг жойлардаги давлат дастурларини амалга ошириш борасида амалий иштирокини кучайтиришга, ҳудуддаги ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ечишда ННТ, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик механизминин янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муборак ЯКУБОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида халқимиз сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг тобора ўсиб бораётгани мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишида ҳал қилувчи омиллардан бири экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган давра суҳбатда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар маъсул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Вафоев, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов ва бошқалар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга давлат даражасида эътибор қаратилаётганини қонун устуворлигини таъминлаш, унинг амалдаги ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазибалар асосида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатда ушбу ҳужжатда белгиланган вазибаларни изчил бажариш, ҳуқуқий маданият ва маърифатни юксалтиришга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қарор ва ижро

ҲЕЧ КИМ МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ф.Халилов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аҳолининг кўмакка муҳтож қатламини аниқ ва манзилли тарзда муҳофаза қилиш, муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатларида мамлакатимизда ёши улғу қилишлар, алоҳида эҳтиёжли фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари мустақкамланган. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра юртимиздаги Саховат, Муруват уйлари, сихатгоҳларда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш, уларни зарур жиҳозлар, тиббий ускуналар, дори воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, фаолиятини давр талаби асосида йўлга қўйиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозир жойлардаги туман, шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари таркибига Ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати йўлга қўйилган. Мазкур тузилма фаолияти ўзгалар парваршига муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқлаш, уларга турли ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уй юмушлари, таъмирлаш ишларини бажаришда кўмаклашишга йўналтирилган.

2012 йилда жойлардаги ногиронларни реабилитация қилиш марказларида қарийб 15 минг нафар алоҳида эҳтиёжли фуқароларга зарур ижтимоий-тиббий, психологик ёрдам кўрсатилди. Савқиз минг нафардан ортиқ ёлғиз кексалар, ногиронларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашилди. Ҳаракатланмасда қийналаётган фуқароларга бепул транспорт хизмати кўрсатиш тизими жорий этилиб, бу йўналишда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга бепул транспорт ёрдами кўрсатилмоқда.

Вазирлик томонидан турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жорий йилда ўнга яқин ижтимоий корхона ташкил этилиб, уларда алоҳида эҳтиёжли кишиларнинг бандлигини таъминлашга эришилди. Бу каби хайрли ишларда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси каби жамоат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ижтимоий ҳамкорлик юксак натижалар бермоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН IV МОДДАГА МУВОФИҚ 2012 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МИССИЯ ИШИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТ

кутилмоқда, айна пайтда ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг жадал ўсиш суръатлари прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсиш бундан буён ҳам саноатлаштириш давлат дастури доирасида ички истеъмоал талабини кенгайтириш ва инвестицияларни кўпайтириш сиёсати орқали қўллаб-қувватланади. Ташқи иқтисодий алоқалар ва солиқ-бюджет соҳасида мустақкам позиция сақланиб қолиши кутилмоқда.

шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар ижобий баҳоланмоқда ва уларни ҳаётга фаол татбиқ этиш даркор.

Миссия расмий органларга бундан буён ҳам узоқ муддатли даврда инфляция даражасини пасайтириш, барқарор ва ҳар томонлама иқтисодий ўсишни таъминлашга эътиборни янада кучайтиришни тавсия этади. Шунингдек, миссия қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириш ва янада мослашув-

чан алмашув курсига риоя этишни ҳам тавсия қилди. Жаҳон иқтисодиётида ҳукм сурётган мураккаб вазият билан боғлиқ таваккалчиликларни амалга оширишда иқтисодий сиёсатни ҳаддан зиёд қатъийлаштирмаслик имкониятлари пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бюджет позицияси заифлашувининг олдини олиш, молиявий воситачиликни янада кенгайтиришга оид чора-тадбирлар кўриш, айниқса, валюта ва ташқи савдони тартибга солиш тизимида, солиқ маъмуричилиги, давлат маблағлари ва уларни бошқаришни тартибга солиш бўйича ислохотларни амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётга оид маълумотлар сифатини ошириш ҳамда уларнинг тарқатилишини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатга доир чора-тадбирларни кўришни ҳам тавсия этади.

Миссия ХВЖ ходимлари Ўзбекистонга ислохотларни амалга оширишда, жумладан, техник ёрдам кўрсатиш орқали кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органлари ва бошқа ҳамкорларга самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Capital Realtor Group» МЧЖда бўлиб ўтказилган объект бошланғич баҳоси охири бўлиш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйилган кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-туманида жойлашган, ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 м.кв., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 м.кв.ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустанова, 4 автомашинага мўлжалланган автоустанова шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино иншоотлари. Бошланғич нархи – 1 317 621 690 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 м.кв., фойдали майдони 2892,3 м.кв., ўн бешта бинодан иборат «Ишлаб чиқариш худуди» бино иншоотлари. Бошланғич нархи – 2 808 670 000 сўм.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 5А-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4611 м.кв., фойдали майдони 1782,2 м.кв., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган «Чойхона» (Сабо тўйхона) биноси. Бошланғич нархи – 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 м.кв., уч қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган «Маншйи хизмат кўрсатиш» бино иншоотлари. Бошланғич нархи – 1 506 820 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель Қ.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 6377,43 м.кв., қурилиш ости участка майдони 1121,4 м.кв., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 м.кв., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатига кўрсатилган жами 201,29 м.кв. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган установа, иккита бостирма бўзи ташланган «Автосарой» бино иншоотлари. Бошланғич нархи – 604 310 000 сўм.

6. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулло қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида

жойлашган турар жойнинг умумий майдони 792 м.кв., қурилиш ости участка майдони 730,4 м.кв., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала ҳовли. Бошланғич нархи – 653 690 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 м.кв., тўққиз қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган «Сартарошхона ва дўкон» (офис) биноси. Бошланғич нархи – 379 280 000 сўм.

8. Тошкент шаҳар Ҳамза туман суд ижрочилири бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қўйилган кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 м.кв. бўлган икки қаватли ва ертўладан иборат кўчмас мулк биноси (свадебный салон). Бошланғич нархи – 1 859 800 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Алиева кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий

майдони 1080 м.кв. бўлган бир қаватли, 4 та бино ва 1 та иншоот ҳамда 1 та ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк биноси. Бошланғич нархи – 1 714 061 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2013 йил 8 январь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖ нинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

ҲУРМАТЛИ ҲАМПАХАРЛАР!

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экология масалалари бўйича Тадбиркорлик субъектлари учун 2013 йилда ҳар ойнинг учинчи (21-30) ўн кунлигида

«ОЧИК ЭШИКЛАР КУНИ»

Ўтказилишини ҳамда **277-00-86, 277-75-43** рақамли **«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»** ишлаётганлигини маълум қилади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бўлиш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006 ижро ҳужжати асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Дала ҳовличилар» ҳудудига жойлашган терраса, ертўла, айвон, бевосита, бассейн ва ёғи ошхоналардан иборат 67-сонли дала ҳовли арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 169 406 646,05 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 31 декабрь кuni соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 11 январь кuni соат 18:00.

Юқоридаги улушлар 2013 йил 14 январьдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг 21 ва 28 январь кунлари соат 15:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 21 январьдаги такрорий савдолар учун 2013 йил 18 январь кuni соат 18:00; 28 январьдаги савдолар учун 25 январь кuni соат 18:00.

Аукцион шартлари:

Аукцион қолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунак пули сифатида, қолган қисмини эса олдинсоти шартномасига асосан 1 (бир) йил мuddатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаш шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллий банк»нинг қўйилган корхоналар устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:

№	Аукционга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш	Заказат миқдори	Бошланғич баҳоси (Сўм ёки АҚШ долларлари)	
					Сўм	АҚШ доллари
1	"Namangan Qog'oz" МЧЖдаги улуш	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй.	100 фоиз	10 фоиз	3 859 212 000	2 008 186,33
